



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (13.487)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 28 июль, ЖУМА

МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ ХОТИРЛАШ ТАДБИРЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.

Миллий урф-одатимизга биноан ушбу маросимларда элга ош тортилди. Биринчи Президентимиз хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, дуои фотиҳа ўқилди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай маросимда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Хотира тадбирларида ватандошларимиз, кенг жамоатчилик вакиллари Ислам Каримовнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш борасидаги буюк хизматларини яна бир бор эсга олдилар.

Халқимиз ўзининг истиклол йилларида эришган барча оламшумул ютуқлари ва натижаларини ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди. Ислам Каримов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида ҳам катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди.

Ислам Каримов 1991 йил 31 август кuni Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди ва гоёт қалтис, таҳликали бир вазиятда оғир қийинчилик ва синовларга қарамайдан, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривож-

ланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислам Абдуганиевич ўз фаолияти, бутун онгли ҳаётининг маъно-мазмунини бўлган "Биздан озоод ва обод Ватан қолсин!" деган эзгу гоёни илгари сурди ва бу шир барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди. Улуғ Йўлбошчимиз ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-гайрати ва ақл-заковатини, керак бўлганда, ҳатто азиз жонини ҳам аямади. У бутун умр "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деган давватга амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратиб кетди.

Қўл миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича ўтган давр мобайнида юртимизда катта ишлар амалга оширилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Биринчи Президентимиз сиймоси тасвирланган ҳайкаллари яратиш, улуғ Йўлбошчимиз хотирасини абадийлаштириш, Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил

этиш бўйича муҳим қарорлари қабул қилинди.

Юртимизда Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги йирик муассаса ва объектлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислам Каримов номи берилди.

Яқин вақт ичида пойтахтимиздаги Оксарой қароргоҳида Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа, Самарқанд шаҳридаги Ислам Каримов дафн этилган ҳудудда макбара, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Биринчи Президентимизнинг муҳташам ҳайкаллари тантанали равишда очилиши кутилмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди, доимо узққни кўзлаб иш юритиши, донишмандлик, мардлик ва олижаноблик фазилатлари билан барчамиз учун эл-юртга чекис меҳр ва сadoкат тисоли бўлиб қолган Ислам Каримовнинг ёрқин хотираси халқимизни доим юксак мақсад ва марралар сари руҳлантиради.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сиз билан учрашиш мен учун катта шараф бўлди. Сизга, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига яқинда мамлакатингизга таширишим чоғида кўрсатилган юксак меҳмондўстлик ва самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этаман.

Учрашувимизда Сиз баён қилган ва Сизнинг ташаббусингиз билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича дастурингиз менда катта таассурот қолдирди. Мазкур ҳужжат БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари ва 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастури билан ҳамоҳанг бўлиб, Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Сизнинг қўшни давлатлар билан ҳамкорлиқни фаоллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайман. БМТ Сизнинг ҳукуматингизни умумий мақсадларимизга, жумладан, Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш, минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва превентив дипломатияни ривожлантириш борасидаги мақсадларга эришиш учун қўллаб-қувватлашга тайёр.

Сиз ва ҳукуматингизга БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказини тўла қўллаб-қувватлаётганингиз ва ҳамкорлик қилаётганингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Антонио ГУТЕРРИШ,
БМТ Бош котиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан таъминлаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, республикада ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллар касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўми-

таси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга бюрутмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларини ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермади. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаётгани.

(Давоми 2, 3-бетларда)

сида тўғридан-тўғри олиб келинапти. Китоб савдоси лойиҳасининг амалга оширилиши натижа-сида 15 янги иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар мажмуанинг юқори ва қуйи қаватларида иккита кинозал ишга туширилиши, хизмат фаолияти доирасининг кенгайтирилиши ҳисобида қўшимча 30 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

● Сирдарё вилояти Оқолтин туманида "Маҳалла-миз чемпионлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман ҳокимликлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят ва туман кенгашлари масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар, нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган спортчилар, уюшмаган ёшлар, касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

● Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан пайшанба - жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кuni доирасида брифинг ўтказилди. Вилоят ИИБ тергов бошқарма-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ "ИСТЕЪДОД" ЖАМФАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши давлат ва жамият қурилишини изчил таъминлаштиришни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш суъратларини жадаллаштириш, илғор инновацион ва илм-фан ютуқларига асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган ишларга янгича сурат берди. Бу муҳим мақсадлар юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг энг яхши ютуқларини давлат ва жамоат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқларида татбиқ этиш асосида жиддий қайта қўриб чиқиш ва таъминлаштириш заруратини таъқозо этади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорида юқори малакали ва рақобатбардош мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, уларни магистратура ва PhD дастурлари, малака ошириш ва стажировка ўташ орқали тайёрлаш, етакчи чет эл таълим муассасаларида таълим олиш учун талабгорларни танлов асосида саралаш механизмининг таъминлаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармасининг номи "Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиаларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси" деб ўзгартирилсин (кейинги ўринларда - Жамғарма).

2. Қўйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсади йўналишлари этиб белгилансин: илғор илмий тадқиқотлар ва инновациялар, юқори технологияларнинг янги ютуқларида иштирок этиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни замон талабларига ҳамоҳанг тарзда янгиллаш, янги касбга, таълимга ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштириш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, таълим муассасаларининг юксак интеллектуал-ижодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларини ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳозир ва келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини, шунингдек, республика иқтисодиёти тармоқларининг малакали кадрларини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлашни ташкил этиш;

чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнидаги юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда кўмаклашиш;

(Давоми 2-бетда)

ЖАҲОНДА

● Парагвайдаги тунги клубда рўй берган отишма чоғида тўрт киши ҳалок бўлди.

● Канадалик олимлар динозаврларнинг янги турини аниқлашди. Бу тур альбертавенатор номи олд. Янги кашф этилган динозаврнинг ташқи кўриниши баҳайбат қўшни эслатади: у икки оёқда юрган. Танаси пат билан қопланган, калта қанотлари ҳам бўлган. Палеонтологлар ушбу жонзотнинг Канаданинг Ред-Дир дарёси водийсида бундан 71 миллион йил аввал яшаганини тахмин қилишмоқда. Тадқиқотчиларнинг сўзларига қараганда, кичик патли динозаврлар ҳақидаги маълумотлар фанда ноёб ҳодиса ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ
ВА ИЛМЙ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ “ИСТЕЪДОД”
ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

иктисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, педагоглари, илмий кадрлари ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илгор халқаро тажрибаларни эгаллашлари учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;

чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олганлар (кейинги ўринларда – стипендиатлар) ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илгор хорижий тажриба ҳамда замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва омаллаштиришни таъминлаш;

кељажада иктисодиётнинг асосий тармоқларида, шунингдек, янги, истиқболли фаолият соҳаларида, шу жумладан, сифатли кадрлар ва ресурслар захирасини яратиш ва тегишли йўналишлар бўйича илмий-таълим жараёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш орқали замонавий материаллар ва илгор технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида энг юқори даражада самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш мақсадида стипендиатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

иктисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидаги республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ва илмий кадрларнинг хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгалланган замонавий илгор билим ва кўникмаларини уларнинг келгусидаги меҳнат, педагогик ва илмий фаолиятининг тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

стипендиатларни республика олий таълим муассасалари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва мала-

касини ошириш марказларининг ўқув жараёнларида изчил жалб этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш “Истеъдод” жамғармасининг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш “Истеъдод” жамғармаси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш “Истеъдод” жамғармасининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш учун номзодларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ;

2017/2018 ўқув йилида чет элнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида педагог ва илмий кадрларнинг малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларини магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқитишнинг мақсадли дастури 5-иловага мувофиқ тасдиқланган.

Жамғарма Васийлик кенгашига тасдиқланган ходимлар сони доирасида Жамғарманинг ташкилий тузилмасига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилган.

4. Қўйидагилар жамғарма фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланган:

стипендиатларнинг хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака оширишлари, стажировка ўташлари ва таълим олишларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар – Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларида мувофиқ олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлан-

тириш жамғармаси ресурсларининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридидаги маблағлари ҳисобидан, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ёрдамлари, халқаро молия институти ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

ходимлар иш ҳақи учун тўловлари ўз ичига олган Жамғарманинг жорий фаолияти ва унга юклатилган бошқа вазифаларни бажариш билан боғлиқ харажатлар – Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағларида ажратмалар, шунингдек, ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида қўрсатилган хизматлардан келган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз ёрдамлари ҳамда қўнунчилиқда таққиланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғарма 2022 йил 1 январгача давлат мақсадли жамғармаларига солиқ тўловлари ва мажбурий йиғимлардан озод қилинган.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жамғармага хорижий таълим ва илмий муассасалар билан алоқаларни йўлга қўйиш, стипендиатларга хорижий мамлакатларнинг визаларини олиш, консуллик рўйхатиға киришти, нотариал ва бошқа хизматларни қўрсатиш, уларнинг юборилган мамлакатда малака оширишлари ва стажировка ўташлари бўйича таълим мониторингини амалға оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси;

чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишга юбориладиган номзодларни танлаб олишни ташкил қилишда Жамғармага ҳар томонлама услубий ёрдам қўрсатилишини;

Жамғарма томонидан чет элда таълим олган шахсларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари нострификациясини

(эквивалентлигини қайд этиш) тўғридан-тўғри (махсус синовлар ўтказмасдан) амалға оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамғарманинг замонавий алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси ва кенг полосали интернет тармоғига улашини таъминласин.

9. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси Жамғарма томонидан тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда чегирмаларнинг мос тизимини қўллаган ҳолда чет элларга юборилаётган стипендиатларни авиачипталар билан ўз вақтида таъминласин.

10. Жамғарма Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уйда жойлаштирилган.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги “Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3272-сонли Фармонининг 2, 3, 4, 9-бандлари ва 5-бандининг 2-хатбошии ҳамда 1-4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қўнун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таққиллар киритсин.

13. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари У.С.Исмаилов ва А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 27 июльЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛМЙ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ “ИСТЕЪДОД”
ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харажатлар стратегияси давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, иктисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатларини жалдлаштириш, илгор инновацияни технологиялар ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун улкан имконият яратди.

Бу эса хорижий мамлакатлардаги илгор тажрибаларни ўрганиш орқали давлат ва жамоат тузилмалари, иктисодиёт тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш соҳасини янада такомиллаштиришни тақозо этмокда.

Ушбу вазифаларни амалға ошириш мақсадида мамлакатимиздаги ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, малака ошириш курслариға хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб этиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташи, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан ўзгариштириш лозим.

Ўзбекистон иктисодиётининг барча соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорида юқори малакали рақобатбардор мутахассислар, педагоглар ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларни магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлаш, талабгорларни малака ошириш ва стажировка ўташ, етакчи хорижий таълим муассасаларида таълим олиш учун танлаб олишни такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассис-

ларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолият йўналишларини, мақсад ва вазифаларини қайта қўриб чиқиш долзарб масалаға айланди.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Жамғарманинг номи “Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш “Истеъдод” жамғармаси” деб ўзгариштирилди.

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб:

илгор илмий тадқиқотлар ва инновациялар, юқори технологияларнинг янги ютуқларида иштирок этиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни замон талабларига ҳамохан тарзда янгилаш, янги касб, таълим ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштириш мақсадида иктисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, таълим муассасаларининг юқсак интеллектуал-иқодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларини ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш;

иктисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳозир ва келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатға олган ҳолда таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини, шунингдек, республика иктисодиёти

тармоқларининг малакали кадрларни дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларда магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлашни ташкил этиш;

чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармок марказларининг ўқув жараёнлариға юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалға ошириш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлариға улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда қўмаклашиш;

иктисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамият тизимининг истиқболли мутахассислари, педагоглари, илмий кадрлари ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илгор халқаро тажрибаларни эгаллашлари учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;

чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олганлар ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илгор хорижий тажрибалар ҳамда педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва омаллаштиришни таъминлаш;

кељажада иктисодиётнинг асосий тармоқларида, шунингдек, янги, истиқболли фаолият соҳаларида, шу жумладан, сифатли кадрлар ва ресурслар захирасини яратиш ва тегишли йўналишлар бўйича ил-

мий-таълим жараёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш орқали замонавий материаллар ва илгор технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида энг юқори даражада самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш мақсадида стипендиатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

иктисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидаги республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ва илмий кадрларининг хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгалланган замонавий илгор билим ва кўникмаларини уларнинг меҳнат, педагогик ва илмий фаолияти тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

стипендиатларни республика олий таълим муассасалари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўқув жараёнлариға изчил жалб этиш.

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган Васийлик кенгаши раҳбарлик қилади.

Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган Низом асосида амалға оширади.

Педагог ва илмий кадрларнинг чет элнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқишлари 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб мақсадли дастур асосида амалға оширилади.

Жамғарма фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридидаги йиллик ажратмаси, Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасалари-

нинг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағларидан ажратмалар, шартнома асосида ҳўжалик фаолияти юритиш ва хизматлар қўрсатишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳамда беғараз ёрдамлари, халқаро молия ташкилотлари грантлари ва қўнунчилиқда таққилланмаган бошқа манбалардан олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга юбориш танлов асосида амалға оширилади.

Танловни ўтказиш Жамғарма томонидан ташкил этиладиган қабул комиссияси зиммасига юкланади. Комиссия танлов натижаларини умумлаштиради ва уларни Жамғарманинг Васийлик кенгаши тасдиғига тақдим этади.

Жамғарма стипендиялари Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мақсадли дастурлар асосида ажратилиб, чет элда таълим олиш учун тўланадиган маблағ, чет эл визасини олиш учун тўлов, йўл харажатлари (бир йилда хорижа бориш ва келиш учун бир марталик авиачипта, темир йўл чипталари ва бошқалар), турар жой ва овқатланиш ҳақи, дарслик ва ўқув қўланмалар сотиб олиш учун ҳамда бевосита таълим билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлидан бораётган барча иктисодиёт тармоқларини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини тезлаштириш, бозор иктисодиёти таъминларини ҳаётга кенг жорий этишга хизмат қиладиган, замонавий фан-техника ютуқлари, инновация технологияларни пухта ўзлаштириш истиқболли мутахассисларни тарбиялаш, педагог кадрлар ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИОЛИЙ МАЪМУОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА
КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Илмий-тадқиқот институтлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий излашлар иктисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалға оширилмокда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасалари илмий салоҳиятининг пайсийишиға олиб келмокда.

Хорижий экспертлар гуруҳи томонидан таққилл этилган таъясиларни инобатға олган ҳолда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш орқали республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардор кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Қайд этилсинки, Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастуриға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5121-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-

ридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарори қабул қилинди.

2. Иктисодиёт соҳалари ва тармоқларини олий таълим тизимидаги кадрлар тайёрлаш жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун республика олий таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, Бош вазирнинг ўринбосарлари – комплекс раҳбарлари, мутасадди раҳбарларға тармок(соҳа)лар бўйича тегишлигига кўра 1-иловаға мувофиқ бириктирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари қўйидаги асосий вазифаларни амалға ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар:

бир ой мuddатда кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мазмуни, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйиладиган талабларни муассамлаштирувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, ангидан ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг мутахассислар тайёрлаш сифатиға бўлган талабларини бевосита таълим мазмунини шакллантириш билан шуғулланадиган олий таълим муассасалари профиль кафедраларининг профессор-ўқитувчилари томонидан тизимли ўрганиб борилишини ташкил этиш мақсадида стажировкалар жорий қилиш;

жорий йилнинг 1 сентябригача ривожланган хорижий давлатларнинг энг илгор тажрибасини қўқур ўрганган ҳолда ўқув режалари ва фан дастурлари, ўқув адабиётлари, шу жумладан, ўқув-методик комплексларининг халқаро стандартлар асосида замонавий, мутлақо янги талабалар асосида ишлаб чиқилиши ва босқичма-босқич жорий этилишини ташкил қилиш;

олти ой мuddатда комплекслар таркибидаги вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли тармок (соҳа) ҳамда ҳудудларнинг жорий ва истиқболли ривожланиш дастурларини ҳисобға олиб, олий малакали кадрларға бўлган эҳтиёжни йиллар кесимида аниқ манзилли, касб ва таълим йўналишлари ҳамда мутахассисларини қўрсатган ҳолда, аниқ баланс берадиган ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича ҳар бир талабасининг 2-курсдан бошлаб тегишли тармок (соҳа)нинг муайян ташкилотлари ва корхоналарида малакавий амалиётлари тизимли равишда ўқазилишини, шунингдек, уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ҳамда битирувчиларни ишға жойлаштириш бўйича аниқ чоралар қўриш;

ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни қўқурлаштириш учун комплекслар таркибидаги вазирликлар ва идораларға қарашли тармоклар (соҳалар)ни илмий-техник ривожлантириш йўналишлари муаммоларига бағишланган мавзулар базасини шакллантириш ҳамда бу муаммоларни олий таълим муассасалари билан ҳўжалик шартномалари тузган ҳолда ҳал этишға уларнинг илмий

салоҳиятини, айнқас, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тарзда жалб этиш;

иктидорли ёш педагоглар ва докторантларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тажриба орттиришға юбориш, улар учун махсус стипендиялар тавсис этиш, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва талабаларининг халқаро тажриба алмашишларини ташкил этиш орқали илмий ва педагогик салоҳиятини ошириш;

ўқитишнинг замонавий шакллари ва методларини, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёниға жорий этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория анжумани ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, олий таълим муассасаларининг замонавий илмий лабораторияларини ташкил этиш ва ривожлантириш чораларини қўриш;

ҳар ойда Комплекс раҳбари, тегишли вазирлик ва идора раҳбари бириктирилган ҳар бир олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан тармокға (соҳаға) оид янгиликлар, ривожлантириш истиқболлари, таълим мазмунини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш юзасидан учрашувлар ўтказиб бориш.

4. Қўйидагилар:

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш борасида ўқув йили давомида амалға ошириладиган харажатларнинг намунавий режаси (Йўл харитаси) 2-иловаға мувофиқ;</

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА
КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари таркибидagi вазирликлар ва идораларнинг олий маълумотли кадрлар тайёрлаш юзасидан буюртмаларни шакллантириш, тасарруфидagi олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш ҳамда тизимдаги корхоналар ва ташкилотларда талабалар амалиётларини ўтказиш, илмий ишларни ҳамкорликда бажариш, олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиш таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфидagi олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга қуйдаги вазифалар юклансин:

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олий таълим муассасасида барча курсларда камиди 2 та гуруҳда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш, инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш, уларнинг хорижда тегишли тайёргарликдан ўтишни ташкил этиш, шунингдек, ўқув машғулотларини олиб боришга хорижий мутахассисларни жалб қилиш, машғулотларни ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида бугунги кунда фойдаланилаётган замонавий ўқув адабиётлари асосида ўтилишини йўлга қўйиш;

истикболли илмий-педагогик кадрларни, биринчи навбатда, муҳандислик-техника ва архитектура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари педагогларининг ривожланган давлатлар, хусусан, Жапония, Корея, Япония ва Германияда 2-3 ойлик курсларда ўзаро ҳамкорлик бўйича тузилган шартномалар, ҳомилик ва халқаро кўрсаткичлар грантлари маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиаларнинг малакасини ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишни ташкиллаштириш "Истеъдод" жамғармаси орқали мутахассислиги бўйича янги билимларни эгаллашга йўналтирилган малака оширишларини ташкил этиш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига етакчи хорижий мутахассисларни мунтазам равишда жалб этиш;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб магистратурада кадрлар тайёрлаш тизимини танқидий таҳлил қилиш, магистратура таълими жараёнининг барча босқичларини такомиллаштириш, уларни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш чораларини қўриш;

докторантлар, магистратура талабаларини корхона (муассасаларнинг муаммоли масалаларига бағишланган диссертация мавзулари устида ишлашни, шунингдек, тажриба-синовларни корхона (муассасалар)да ўтказиш, амалиётга татбиқ этилган ишлар муаммолари бўлган ҳамда иختиروحилик-патентини қўлга киритган докторант ва магистрларни ўқитувчи лавозимини бўйича ойллик иш ҳақи миқдорининг 10 баробаригача корхона ва ташкилотлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш чораларини қўриш;

икки ой муддатда республика олий таълим муассасаларининг ҳар йилги рейтингини аниқлаш бўйича миллий тизимни такомиллаштириш, бунда асосий устувор кўрсаткич сифатида олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозорида талабгорлиги ва профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича тузилган шартномалар асосида ишлаб топилган молиявий маблағларнинг салмоғига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, миллий рейтинг тизимига юқори кўрсаткичларни қайд этган олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини

бериш орқали академик эркинлик босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юзасидан тақлифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари кафедраларининг мақомини кўтариш, бунда уларнинг таълим сифатини ошириш бўйича масъулиятини кучайтириш, кафедра ва профессор-ўқитувчилар томонидан юритиладиган турли статистик ва бошқа ҳисоботлар сонини оптималлаштириш орқали уларни тайёрлаш жараёнини электрон форматга ўтказиш чораларини қўриш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишига моддий шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларнинг стипендиясининг 50 фоизига моддий рағбатлантирилиши ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилишини, докторантура битирувчилари олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларига йўланма асосида юборилишини, уларнинг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш учун базавий докторантуранинг 2-курсидан имтиёзли ипотека кредитини 25 йил муддатга ажратиш механизми жорий этилишини назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Олий таълим муассасаларига бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари **икки ой муддатда**:

тегишли вазирликлар ва идоралар ҳузурида олий таълим муассасаларида ўқув-методик раҳбарлиқни амалга ошириш, шу жумладан, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, илмий ишларнинг самарали олиб борилишини ташкил қилиш каби вазифаларни амалга ошириш учун олий таълим муассасалари раҳбарлари, соҳанинг етук мутахассислари, профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибдаги Мувофиқлаштирувчи кенгашларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қароридида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб бириктирилган ҳар бир олий таълим муассасасини 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, қарорда олий таълим муассасаси бўйича белгиланган параметрларни сўзсиз бажариш, шу жумладан, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларни хорижий таълим муассасаларига малака ошириш ва стажировкага, иқтидорли битирувчиларни магистратура ва докторантурага юбориш, шунингдек, ўқув лаборатория базасини янгиллаш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилишини ҳар қорак якуни бўйича мунтазам муҳокама қилиб боришни йўлга қўйсин;

2021 йилгача бириктирилган олий таълим муассасаларидан камиди биттасининг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътибор этилишини (рейтинг рўйхатида эълол қилинишини) таъминлаш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

8. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги бир-галликда **тўрт ой муддатда**:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида магистратура босқичида таълим муассасаларининг бошқаруви мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларига талабаларга қабул қилишда абитуриентларни кириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича иходий сўхбат ўтказиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

ҳудудларнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида педагогика таълим йўналишларига давлат грантлари асосидаги қабул квоталари улушини ошириш орқали мақсадли қабулни ташкил этиш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифалари топширилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги **бир ой муддатда**:

ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган академик лицейларни тугатиш, академик лицейларни фақат юқори илмий ва педагогик салоҳиятга эга олий таълим муассасалари таркибига биттадан қолдириш;

ўз фаолиятини давом эттирадиган академик лицейларга умумтаълим мактабларини битирган энг билимли, қобилиятли ёшларни қабул қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва 2018/2019 ўқув йилидан жорий қилиш;

академик лицейларда ўқитиш сифатини тубдан ўзгартириш, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичларини кескин ошириш, бунда олий таълим муассасалари ректорларининг шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича тақлиф тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфидagi олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар таъин олий таълим муассасалари ҳузуридаги педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида дарс берадиган педагоглар, жалб этилган мутахассисларнинг фаолиятини таҳлил қилиш асосида самарали дарс бераётган профессор-ўқитувчилар, мутахассисларни рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфидagi олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда:

профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни ҳар бир муайян талаба билан олиб бориш, уларда мафкуравий иммунитетни оширишнинг таъсирчан чораларини қўриш юзасидан услубий асосларни яратсин;

талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини ўйғунлаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини ошириш, таълим ва тарбия ўйғунлигини амалда таъминлаш учун фанларнинг ҳар бир мавзусидаги тарбиявий мақсаддан унумли фойдаланилишини таъминлаш механизмларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин;

бугунги кунда ёшлар тарбияси ўта долзарб масала эканини инобатга олиб, олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларнинг функционал вазифаларини қайта қўриб чиқиб, уларнинг даврий малакасини ошириш чораларини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда **уч ой муддатда**:

олий таълим муассасаси учун психолог ва ҳар бир талабалар турар жойи учун тарбиячи-педагог штатини жорий этиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш разряди бўйича олий таълим муассасалари маънавият ва маърифат бўлими бошлигининг лавозим разрядини 16-разрядга, бўлим ходимларининг лавозим разрядини 14-разрядга кўтариш;

олий таълим муассасалари гуруҳ мураббийларининг фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини янада ошириш, уларнинг доимий рағбатлантириб борилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ мураббийига (жумладан, мураббийлар кенгаши раҳбарлигига) ойллик маошининг 25 фоизигача миқдорда устама ҳақ тўланишини таъминлаш;

ҳар ўқув йилида маънавий-маърифий ишларни молиялаштириш мақсадида таълим муассасаси харажатлари сметасининг камиди 5 фоизини юқорида назарда тутилган харажатлар учун ажратиш чораларини қўриш. Ушбу маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан шахсий масъулият олий таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори зиммасига юклианиши белгилан қўйилсин.

12. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерациясига биргаликда **уч ой муддатда** таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш, жамиятда педагогик фаолиятнинг обрўсини юксалтириш, педагогларни ёшларга намуна ва ўрнак даражасига кўтариш, шунингдек, турли танловлар ва конкурсларда совриндор бўлган, ўқувчи-талабалари республика ва халқаро олимпиадаларда, танловларда юқори натижаларни қўлга киритган педагогларга уй-жой, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги автомобиль, маиший-ҳўжалик жиҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини ажратиш тартибини жорий этиш юзасидан тақлифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ижарада, қариндоши ёки танишининг уйида яшовчи талабаларни рўйхатга олиш тартибининг қўлай ва соддалаштирилган шаклини ишлаб чиқсин ва **икки ой муддатда** амалиётга жорий қилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази мамлакатимизда ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясининг таъсирчан механизмларини жорий этиш, шахсининг маънавий камол топишини психологик қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш, соҳа мутахассисларининг психологик билим ва кўникмаларини шакллантириш, мазкур жараёнларнинг илмий-амалий асосларини яратиш ва методик таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда жамиятда психологик билимларни кенг тарғиб этиш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети таркибига Психология ўқув-илмий марказини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига **бир ой муддатда** тақлиф қилинсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 27 июльЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИ ВА ТАРМОҚЛАРИНИНГ
ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА
ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижаларининг ҳулосаларига қўра олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмаганини оқибатида айрим битирувчилар ишга жойлашгандан кейин ўз касбини, мутахассислигини қўшимча ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатининг назорати замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлиқ йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини рақобатбардор кадрлар билан таъминлаш масалаларини тубдан ўзгартириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур иқтисодиклар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини корхоналарнинг ишлаб чиқариш муносабатларига ва истиқболли ривожланган дастурларига мувофиқ шакллантириш, битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш мақсадида "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш

сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини олий таълим тизимидagi кадрлар тайёрлаш жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, Бош вазирнинг ўринбосарлари – комплекс раҳбарлари, мутахассис раҳбарлар тармоқ(соҳа)лар бўйича тегишлилигига қўра олий таълим муассасаларига бириктирилган.

Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига кадрлар буюртмачилари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш мазмунини, битирувчиларнинг билим ва кўникмасига қўйиладиган талабларни белгилловчи олий таълим йўналишлари малакавий талаблари, ўқув режалари ва дастурларини соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб, янгидан ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ишлаб чиқариш стажировкаларини жорий этиш, энг илгор хориж тажрибасига таянган ҳолда ўқув адабиётлари, ўқув-методик комплексларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, истиқболли ёш педагоглар ва докторантларни етакчи хорижий таълим муассасаларига стажировкага юбориш, улар учун махсус стипендиялар ажратиш каби вазифалар юклатилган.

Қарор комплекслар таркибидagi вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли тармоқ (соҳа) ҳамда ҳудудларнинг жорий ва истиқболли ривожланган дастурларини ҳисобга олиб, олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни йиллар кесимида аниқ баланс берадиган ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқишни назарда тутди. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг қўлама бугунги кун битирувчилардан ушбу ижобий ўзгаришларда фаол иштирок этишни талаб қилмоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг билим ва малакалари даражасига муайян, жиҳдий талабларни қўймоқда.

Қабул қилинган қарор янги ўқув йилидан бошлаб ҳар бир олий таълим муассасасида барча курсларда камиди 2 та гуруҳда мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитишни босқичма-босқич ташкил этилиши, ўз навбатида инглиз тилида дарс ўтадиган профессор-ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш жараёнига бошқача ёндашуви талаб қилади. Шу мақсадда профессор-ўқитувчиларнинг хорижда тегишли тайёргарликдан ўтишни ташкил этиш, машғулотларни олиб боришга хорижий мутахассисларни жалб қилиш каби масалаларга жиҳдий эътибор қаратилган.

Истикболли илмий-педагогик кадрларни, биринчи навбатда, муҳандислик-техника ва архитектура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари педагогларини ривожланган давлатларда ҳомилик ва халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиалар малакасини ошириш, стажировка ўташ ва таълим олишни ташкиллаштириш "Истеъдод" жамғармаси орқали малака оширишларини ташкил этиш вазифаси қарорда таъкидлаб ўтилган.

Жорий ўқув йилидан олий таълим муассасалари талабаларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича муайян ташкилотлар ва корхоналарда малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилишини, шунингдек, уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ҳамда битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар қўриш белгилан қўйилган.

Асосий масалалардан бири сифатида ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштиришга йўналтирилган ислохотлар таъкидлаб ўтилган. Ушбу ислохотлар олий таълим тизимидagi илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган бўлиб, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тайёрлаш масалалари билан ҳамбарнас боғлиқ.

Комплекс раҳбари, тегишли вазирлик ва идора раҳбари бириктирилган ҳар бир олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан тармоқда (соҳага) оид янгилликлар, истиқболларни белгиллаб олиш, таълим мазмунини такомиллаштириш каби масалалар муҳокамасини камиди ойда бир марта ўтказиш таълим тизимини тубдан такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий соҳада ёш олимлар, изланувчилар ва докторантлар учун кенг имкониятлар яратиш ҳам қарорда ўз фодасини топган бўлиб, унда амалиётга татбиқ этилган иш муаммоларини, ихтиро эгаларини моддий рағбатлантириш назарда тутилган.

Шунингдек, қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишига моддий шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларнинг ойллик стипендиясининг 50 фоизигача миқдорда моддий рағбатлантирилиши ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилишини, докторантура битирувчиларининг олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларига ишга жойлаштириш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш учун базавий докторантуранинг 2-курсидан имтиёзли ипотека кредитини 25 йил муддатга ажратиш механизми жорий этилишини назарда тутган Ҳукумат қарорини қабул қилиш вазифаси топширилган.

Қарорда яна бир муаммо – магистратурада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш масаласига жиҳдий эътибор қаратилган.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида магистратура босқичида таълим муассасаларининг бошқаруви мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш; педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларига талабаларга қабул қилишда абитуриентлар билан кириш тест синовлари билан бир қаторда уларнинг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича иходий сўхбат ўтказиш, педагогика таълим йўналишидаги давлат грантлари асосидаги қабул квоталари улушини ошириш орқали мақсадли қабулни ташкил этиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда тақлифларни ишлаб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси белгиланган.

Қарорда замонавий талабаларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан йироқда жойлашган, битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган академик лицейларни тугатиш, уларни фақат юқори илмий-педагогик салоҳиятга эга олий таълим муассасалари таркибига биттадан қолдириш масалалари қайд этилган.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерациясига биргаликда **уч ой муддатда** таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг ижтимоий нуфузини ошириш, жамиятда педагогик фаолиятнинг обрўсини юксалтириш, педагогларни

ёшларга намуна ва ўрнак даражасига кўтариш, шунингдек, турли танловлар ва конкурсларда совриндор бўлган, ўқувчи-талабалари республика ва халқаро олимпиадаларда, танловларда юқори натижаларни қўлга киритган педагогларга уй-жой, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги автомобиль, маиший-ҳўжалик жиҳозлари сотиб олишлари учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини ажратиш тартибини жорий этиш юзасидан тақлифларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилган.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси ўта долзарб масала эканини инобатга олган ҳолда қарорда талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, таълим ва тарбия ўйғун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСУД ХУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА
МОЛ-МУЛКНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;
мол-мулкни электрон он-лайн-аукционларда реализация қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

фуқароларни электрон он-лайн-аукционларда иштирок этиш тартиби, шунингдек, савдога қўйилган мол-мулк ҳақида кенг хабардор қилиш;

электрон он-лайн-аукционларда иштирок этиш учун электрон рақамли имзо қилишнинг сертификатларини бериш;
мол-мулкни сақлаш, ташиш, сақлаб туриш ва савдога тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

4. Белгилан қўйилсинки:

Бюро Марказнинг муассиси (мулкдори) ҳисобланади;
Марказ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда "E-JRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончасида мол-мулкни реализация қилиш бўйича элек-

трон он-лайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли оператор ҳисобланади;

Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида филиаллар ташкил этишга ҳақли;

Марказ фаолиятини молиялаштириш электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш, электрон рақамли имзо қилишнинг бериш хизматлари учун тушаётган маблағлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, шунингдек, Махбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Куйидагилар:

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом 1-иловага мувофиқ;

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон он-лайн-аукционларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Бюро бир ой муддатда:

Марказнинг Уставини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказни унинг фаолиятини юқори ва профессионал даражада самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Марказни меъбел, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа зарур моддий-техника ресурслари билан жиҳозласин.

7. Марказ унинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган асбоб-ускуналар, компьютер ва сервер техникаси, техника воситалари, дастурий маҳсулот ва бошқа моддий-техника ресурслари учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 3 йил муддатда озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган

ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Бюро Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда теле- ва радиоканалларда, босма нашрларда, Интернет тармоғида, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор нормаларининг мазмун-моҳияти электрон он-лайн-аукционларда иштирок этиш ва уни ўтказиш натижаларига кўра мол-мулкни реализация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда кенг ёритилишини ташкил қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 27 июльЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "СУД ХУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР
ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА МОЛ-МУЛКНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Суд ҳокимияти қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга ҳизмат қилганда одил судловни қарор топтириш бора-сида амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ изоҳотларининг асосий йўналишларидан бири бу – суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш ҳисобланади.

Шу мақсадда мамлакатимизда қонунийлик, адолат ва ижро иши юртидаги томонлар ва бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш принциплари асосида фаолият юритадиган махбурий ижро институтларини шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Махбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб қўйилади) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Бюро фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" фаол амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ижро ишини юртидаги коррупциявий ҳавф-хатарларни ўз ичига олган, қонунларнинг бузилиши ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқларига сабаб бўлаётган айрим механизмлар ҳақидаги сақлиниб келаётганлигини кўрсатди.

Суд қарорларини ижро этиш доирасида ташкил этилаётган оммавий савдолар замонавий талабларга жавоб берадиган ҳамада хатланган мол-мулкнинг олдидан бозорини монополиялаштиришга, нарх бўйича манипуляцияларга ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга замин яратган.

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарномаларни фақат босма нашрларда чоп этишни, аукционларга иштирок этишга ёзма равишда шахсан бериладиган аризалар асосида қўйишни назарда тутувчи оммавий савдоларни ташкил этишнинг аънаваний усуллари инсофсиз савдо ташкилотчилари томонидан салоҳиятли харидорларнинг аукционда иштирок этишини чеклаш, мол-мулкни паст нархларда сотиш учун сота аукционларни ўтказишга ва бошқа суиистеъмолчиликларга йўл очиб берган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги юқорида кўрсатилган камчиликлар сотувга чиқарилган мол-мулкнинг бир неча мартаба арзонлаштирилишига, мол-мулкни сотиш жараёнларининг қўзғилиб кетишига олиб келган ва пировард натижада суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишига имкон бермаган.

Шу муносабат билан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари ижроси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан хатланган мол-мулкни реализация қилиш механизмларини тубдан ўзгартириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва он-лайн-савдо усуллари жорий этиш орқали аукцион ўтказиш тартибларининг максимал шаффофлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Қарорга мувофиқ, 2017 йил 1 сентябрдан бошлаб хатланган мол-мулкни сотиш бўйича оммавий савдолар фақат "E-JRO AUCTION" электрон савдо майдончасида электрон он-лайн-аукционлар шаклида ўтказилади.

Савдоларни ўтказишнинг янги тартиби фуқаролар учун электрон он-лайн-аукционларда кенг иштирок этиш ҳамда қўлмас мол-мулк, автотранспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни адолатли ва шаффоф савдоларда сотиб олиш имкониятини таъминлайди.

Электрон он-лайн-аукционлар Интернет тармоғида аризаларни қабул қилиш ва голибини аниқлаш жараёнига ҳар қандай аралашувага йўл қўймайдиган махсус дастурий мажмуадан фойдаланган ҳолда ташкил этилади ва ўтказилади.

Электрон он-лайн-аукционларга электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон аризани Интернет тармоғи орқали берган ва мол-мулк баҳоланган қийматининг 5 фоизи миқдоридидаги закатлат пулини тўлаган шахслар қўйилади.

Бунда қиритилган закатлат пуллари голиб томонидан мол-мулкнинг қийматини тўлашда тўлов суммасига қўшиб ҳисобланади. Аукционда голиб бўлмаган бошқа иштирокчиларга эса аукцион аяқлангандан сўнг закатлат пуллари тўлиқ қайтарилади, аукцион давомидида ўз мажбуриятларини бажармаган иштирокчилар бундан мустасно.

Электрон рақамли имзога эга бўлмаган иштирокчиларга уни Интернет орқали буюртма қилиш имконияти яратилади.

Электрон он-лайн-аукционлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ўтказилади. Иштирокчилар унда масофадан туриб, шу жумладан, мобил дастурий иловалардан фойдаланган ҳолда иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки аукционлар нархни ошириб бориш таъминли асосида ўтказилиб, унда лот нархи бўйича охириги тасдиқланган иштирокчи голиб деб топилади. Агар аукцион бошлангичи пайтга қадар унда иштирок этишга фақат 1 нафар иштирокчи томонидан

ариза берилган бўлса, бу иштирокчи мол-мулкни аукционга қўйилган бошлангич нархда сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Дастлабки аукционлар мол-мулкка қўзғилиш бўлмаганлиги сабабли ўтказилмаган деб топилган тақдирда, нархни тушириб бориш таъминли асосида такрорий аукционлар ўтказилади. Бундай аукционларда эълон қилинган лот нархини биринчи тасдиқланган иштирокчи голиб деб топилади.

Электрон он-лайн-аукционларда голибларни аниқлаш ташқаридан аралашувни истисно қилган ҳолда автоматик тарзда амалга оширилади. Аукцион голиби аукцион аяқлангичи билан дарҳол эълон қилиниб, аукцион натижалари тўғрисидаги баённома автоматик равишда шакллантирилади.

Аукцион голиби сотиб олинган мол-мулкнинг тўлиқ қийматини аукцион аяқлангичдан кундан бошлаб 5 иш куни давомида тўлаш ҳуқуқига эга бўлиб, тўлов амалга оширилмаганда сўнг унга махсус бланкда расмийлаштирилган аукцион натижалари тўғрисидаги баённома топширилади ёки почта жўнатмаси билан жўнатилади.

Аукцион натижалари тўғрисидаги баённома олдидан шартномаси қўйишга эга бўлиб, мол-мулкка қўйилган тақдирда қўйишга, уни голибга топширишга, шунингдек, мол-мулкни, унга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа мулк ҳуқуқларини голиб номига рўйхатга ёки ҳисобга қўйишга асос бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, қарор билан Бюро ҳузурида "Электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш бўйича марказ" давлат унитар корхонаси ташкил этилди ва у "E-JRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончасида электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли оператор ҳисобланади.

Марказнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш;

мол-мулкни электрон он-лайн-аукционларда реализация қилиш масалалари бўйича ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;

фуқароларни электрон он-лайн-аукционларда иштирок этиш тартиби, шунингдек, савдога қўйилган мол-мулк ҳақида кенг хабардор қилиш;

электрон он-лайн-аукционларда иштирок этиш учун электрон рақамли имзо қилишнинг сертификатларини бериш;

мол-мулкни сақлаш, ташиш, сақлаб туриш ва савдога тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

Шу билан бирга, қарор билан Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бозорини монополиядан чиқариш ва унинг максимал шаффофлигини таъминлаш, ушбу соҳада нарх билан боғлиқ найранглар ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, уй-жой ва нотулар қўлмас мулкларни, автотранспорт воситалари ва бошқа турдаги мол-мулкни очик ва адолатли оммавий савдоларда (электрон он-лайн-аукционларда) сотиб олиш жараёнига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этишга қаратилган.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "PRESS KLUB"
08.30 "Ватанпарвар"
09.00 Миллий сериал. "Опа-сингиллар"
09.40 "Агропол"
10.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
10.50 "1. Дилдо". 2. "Рангинкамон".
11.20 "Устурлоб"
11.40 "Ҳикматлар қалбига зинбат".
17.50 Анонс.
18.00 "Имконият". Қарор ижроси бўйича уй-жой фондиди сақлаш.
18.20 "Қисмат битиги". Т/с.
19.00 "Ахборот" /рус./.
19.35 "Муносабат".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнесс-старт". Текстиль. Ишлаб чиқариш.
22.10 - 23.35 "Трезор. Уртамиздаги қазғи". Б/ф.
23.35 "Энг дарғалари".
00.00 "Миллий сериал. "Ҳаёт жил-жолари".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Бегона баҳор". Б/ф. 1-қисм.
03.30 Анонс.
03.40 "Чашма нур". Х/ф.
04.00 "Дунё классикаси".
04.40 Миллий сериал. "Меҳмон-жондордан айланай".
05.10 "Менинг боғим".
05.30 - 05.55 "Бизнесс-старт".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Зебулар". Т/с.
06.50 "Ўзбек адабиёти".
07.00 "Давр".
07.30 "Муҳаммад Юсуф".
08.00 "Истиқлол шухри".
08.10 "Қасоскор замин". Т/с.
09.20 "Сўз ёшларга". (Оригинал. Ҳаракатлар стратегияси).
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".

10.10 "Савдоий посбон". Б/ф.
11.50 "Иккинчи психология".
12.10 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Кекса арслонлар". Б/ф.
15.00 "Муъжизавий дунё".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Янги Шерлок Холмс". Т/с.
17.40 "Секрли кўлар".
18.00 "Атлантида". Т/с.
18.50 "Муваффақият қалити".
19.10 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
20.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
20.30 "Халоват қўчаси". Т/с.
21.00 "Танқид ва таҳлил".
21.30 "Меҳр".
21.40 "Нафс қўллари".
22.00 "Давр".
22.30 "Ночор самурай". Б/ф.
00.40 "Муъжизавий дунё".
01.00 "Дунёда ва ҳақиқат".
05.30 - 06.00 "Давр".

ДУШАНБА, 31

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.15 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Пойтахт-спорт".
10.15 "Пойтахт на пулсе".
10.40 "Обод оҳанод".
11.00 "Пойтахт йўлларида".
11.30 "Телеахил".
12.00 "Ройтахт-Hi-tech".
12.15 "Миллий сериал. "Меҳмонхона".
13.00 "Пойтахт-культура".
13.15 "Кафдага бахт". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Рангли телевизор".
17.45 "Пойтахт-Hi-tech".
18.00 "Тошкентнома".
18.20 "Кўзгудай биз".
19.00 "Телеахил".
19.15 "Кафдага бахт". Т/с.
20.00 "Иккинчи ораси".
20.45 "Ройтахт-Hi-tech".

21.00 "Мухаббат-мангу". Т/с.
Премьера!
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Предел риска". Х/ф.
23.40 "Тошкентнома".
00.05 "Пойтахт-культура".
00.15 "Иккинчи ораси".
00.50 "Қўнғил хайратлари".
01.15 "Мен сизга айтсам".
01.55 "Пойтахт на пулсе".
02.15 "Хикматли дунё". "Бахт оғи".
03.00 - 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Қўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қўнқил, спортлар".
06.35 "Идтиҳонимсан, спорт!"
07.00 "Sport-online".
07.35 "Спорт".
08.00 "Спорт англоликлар".
08.10 "Формула-1".
10.35 "Спорт сабоқлари".

00.05 Валоспорт.
01.10 Новосты спорта.
01.15 "ФИФА".
01.55 Футбол. Ўзбекистон Кубоги. Ярим финал.
03.40 Сува спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати.
04.40 - 06.00 Теннис. АТР - WTA турнири.

Боложон

07.00 "Салом, боложон!"
07.10 "Боложон гимнастикаси".
07.25 "Ланди-ланди".
07.40 "Бола бошидан".
07.55 "Ширинтой-кичинтойлар".
08.30 "Мультипанорама".
10.00 "Қўнқил, спортлар".
10.10 "Ванго English".
10.30 "Мультипанорама".
12.00 "Топалон боложон".
12.30 "Мультипанорама".
13.10 "Боложон ва ҳақиқат".
14.30 "Боложон учун фильм".
14.40 "Китоблар мамлакатиди".
16.00 "Цирк, цирк, цирк!".
16.10 "Мультипанорама".
16.30 "Секрли кўлар".
18.10 "Миттивойлар мусобақаси".
18.30 "Мультипанорама".
19.20 "Қизқарли саёкат".
19.30 "Мультипанорама".
20.00 "Электрон дунё".
20.10 "Мультипанорама".
21.00 "Мультипанорама оиласи".
21.30 "Мультипанорама".
21.50 - 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Тоғ қўрқинчилиги". Б/ф.
07.35 Миллий кино. "Келганда келин".
09.30 Оқлавий экран. "Мунденс чемпионати".
11.00 "Спорт хандаси".
12.00 "Теннис-спорт".
13.00 Спорт англоликлар.
16.35 Теннис. АТР - WTA турнири.
17.55 Қўрсатувлар тартиби.
18.00 "Боложон спорт".
18.30 Новосты спорта.
18.50 Футбол. Ўзбекистон Кубоги. Қўрсатилди. Танлаффусда "Спорт-маркет".
21.00 Спорт англоликлар.
21.15 "ФИФА".
21.50 Сува спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати.
22.55 "Автограф судья".
23.30 "Техноспорт".
23.40 "Махбурий ижро".
00.40 Мадания.

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Мулукот вақти".
08.00 "Ибрата йўлларини уйр".
08.40 "Имконият".
09.00 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
09.40 "Менинг боғим".
10.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
10.45 "Пойтахт на пулсе".
11.05 "Учбурчак". Ток-шоу.
11.55 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Бизнесс-старт".
13.30 "Бир жиноят изидан".
13.50 Анонс.
14.00 "Муносабат". Ток-шоу. (Тўридан-тўри эфир).
14.15 "Идтиҳонимсан, спорт!"
16.20 "Қўнқилнинг бирлиги".
16.35 Анонс.
16.55 "2017 йил - Халқ билан мулоқот йили".
17.10 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
17.50 Анонс.
18.00 "Қорачик".
18.20 "Қисмат битиги". Т/с.
19.00 "Ахборот" /рус./.
19.35 "Объективнигоҳиди".
20.15 "Энг дарғалари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Исқанд. (Хоразм вилояти).
21.55 "Агропол". Сўрхондария вило. такрорий эфир эшиш.
22.15 - 00.15 "Қиноватдаги иқоволон".
00.15 "Қўнқилнинг бирлиги".
00.30 Миллий сериал. "Ҳаёт жил-жолари".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Бегона баҳор". Б/ф. 2-қисм.
03.30 "Энг дарғалари".
04.00 "Дунё классикаси".
04.40 Миллий сериал. "Меҳмонхонадан айланай".
05.10 - 05.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Зебулар". Т/с.
06.50 "Ўзбек адабиёти".
07.00 "Давр".
07.30 "Секрли кўлар".
08.00 "Танқид ва таҳлил".
08.10 "Қасоскор замин". Т/с.
09.30 "Қўнқил бахти".
09.50 "UzEX".
10.00 "Пойтахт-культура".
10.10 "Савдоий посбон Нью-Йоркда".
11.50 "Миллат шаъни".
12.00 "Танқид ва таҳлил".
12.10 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Авуст". Б/ф. 1-қисм.
14.50 "Ўзбек адабиёти".
15.00 "Муъжизавий дунё".

15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Янги Шерлок Холмс". Т/с.
17.40 "Давр мавзуси".
18.00 "Атлантида". Т/с.
18.50 "Қўнқил тараққийоти". (Оригинал. Ҳаракатлар стратегияси).
19.10 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Халоват қўчаси". Т/с.
21.20 "Нукстас назар".
21.50 "Пойтахт-спорт".
22.00 "Давр".
22.30 "Хикматдаги шерик". Б/ф.
00.00 "Истиқлол шухри".
00.10 "Муъжизавий дунё".
01.00 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 - 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.15 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Пойтахт-спорт".
10.15 "Мухаббат-мангу". Т/с.
10.55 "Пойтахт-вазир".

СЕШАНБА, 1

11.15 "Рангли телевизор".
1